



Ў‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 йил «22» февраль

157-14-0-Q/22

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 17 январдаги VI-54-1-14-0-K/22-сонли қарори ижроси тўғрисида

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 28 сентябрдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-47-78-14-0-K/21-сонли ва 2022 йил 17 январдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида шаклланган қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-54-1-14-0-K/22-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 3 февралдаги “Оқава суви тармоғини ўтказиш ишларини амалга ошириш тўғрисида”ги 93-14-0-Q/22-сонли ва “Ичимлик суви тармоғини ўтказиш ишларини амалга ошириш тўғрисида”ги 94-14-0-Q/22-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Тошкент шаҳар ҳокимлиги уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш масалалари бўйича мажмуасининг 2022 йил 10 февралдаги 04-55-сонли ва 04-56-сонли мурожаатларини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қуйидагилар:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 28 сентябрдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-47-78-14-0-K/21-сонли қарори билан Тошкент шаҳри Бектемир

туманида жойлашган Нурафшон маҳалласида ичимлик суви тармоқларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатларига 2 200,0 млн. (икки миллиард икки юз миллион) сўм ажратилганлиги;

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 28 сентябрдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-47-78-14-0-К/21-сонли қарорига асосан Яшнобод туманининг Маърифат, Қўйлиқобод, Хосиятли ҳамда Аҳмад Яссавий маҳаллаларида оқова сув тармоқларини қуриш ишларига 4 100,0 млн. (тўрт миллиард юз миллион) сўм ажратилганлиги;

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 17 январдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида шаклланган қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-54-1-14-0-К/22-сонли қарорининг биринчи иловасига мувофиқ Тошкент шаҳрида ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш билан боғлиқ харажатларга 45,8 млрд. (қирқ беш миллиард саккиз юз миллион) сўм миқдорида маблағ тасдиқланганлиги, шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 2021 йил давомида маблағлар ажратиш юзасидан қабул қилинган қарорлари бўйича маблағ тақсимланмаган харажатларга 2022 йил давомида шаклланган қўшимча маблағлар ҳисобидан Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ маблағлар ажратилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий филиалига жами 1 850,0 млн. (бир миллиард саккиз юз эллик миллион) сўм миқдорида маблағлар иловага мувофиқ тақсимлансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров):

ажратилган маблағлар ижроси бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ҳисобот киритилсин.

4. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2022 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (У.Уктамов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

6. Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чоралари кўрилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2022 йил 22 февралдаги
157-14-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

**“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда
иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг
компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий
филиалига мақсадли ажратиладиган маблағлар тўғрисида**

млн.сўмда

№	Мақсади	Маблағ миқдори
1	Тошкент шаҳри Бектемир туманида жойлашган Нурафшон маҳалласида ичимлик суви тармоқларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатларга	650,0
2	Тошкент шаҳри Яшнобод туманида жойлашган “Маърифат”, “Қўйлиқобод”, “Хосиятли” ва “Аҳмад Яссавий” маҳалласида ичимлик ва оқова суви тармоқларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатларга	1 200,0
	ЖАМИ	1 850,0

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари,
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош
бошқармаси бошлиғининг в.в.б,
танлов комиссияси раиси**



Ш. Рахимджанов

2022 йил

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Нурафшон” маҳалла ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектнинг атроф муҳитга таъсири (ЗВОС) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир (лот № 99592) танлов комиссияси йиғилиши

99592/1-сон муҳокама БАЁНИ

Тошкент ш.

20 июн 2022 йил

“Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳоқимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси”нинг 2022 йил 22 февралдаги В-13-сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби қуйидагича:

Комиссия раиси: **Ш.Рахимджанов**, “Тошкент шаҳар ҳоқимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси” бошлиғи в.в.б.;

Комиссия аъзолари: **У.Уктамов**, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали директори;
К.Алимов, “Тошкент Шаҳар Сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси;

А.Ислохўжаев, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали бош муҳандиси;

У.Ташпулатов, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали бош мутахасиси;

Комиссия котиби: **М.Мухамадалиев**, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали бўлим бошлиғи;

КУН ТАРТИБИ:

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Нурафшон” маҳалла ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектнинг атроф муҳитга таъсири (ЗВОС) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш” объекти бўйича 99592-сонли лот натижалари бўйича муҳокама натижаларини кўриб чиқиш ғолиб ташкилотни белгилаш.

Филиал директори У.Уктамов йиғилишни олиб борди ва очик деб эълон қилди.

Комиссия аъзолари сони сарҳисоб қилинди ва кворум 100% га таъминланганлиги маълум бўлди.

Комиссия аъзоси У.Уктамов 99592-сон лот баёнини ўқиб эшиттирди. (99592-сон баён илова қилинади).

Муҳокама мобайнида биринчи навбатда ишларнинг сифатли бажарилиши учун лойиҳачининг техник салоҳиятини эътиборга олиш ва иккинчи навбатда унинг молиявий томони эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқадорлар мавжуд эмасли ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.)

23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган бўлиб мазкур лот(лар)да иштирок этмаяпти.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу 99592-сонли лот бўйича тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан 2 кун мобайнида ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.

Якуний натижаларга кўра қуйдагилар маълум бўлди

Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан 7 000 000 сўм, ишларни бажариш муддати 15 кун.

Танлаш комиссиясининг 15.06.2022 йилдаги 99592-сонли лот бўйича “Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Нурафшон” маҳалла ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектининг атроф муҳитга таъсири (ЗВОС) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш” объекти бўйича талабгор “KHAN STAR” МЧЖ, ҚҚС билан 6 700 000 сўм ишларни бажариш муддати 15 кун билан танлаш ғолиби ва захира ғолиби “LUCKY REBIRTH” МЧЖ этиб белгиланди

Комиссия аъзоси У.Уктамов комиссия аъзолари муҳокамасидан сўнг, бюджет маблағларининг самарали фойдаланишни инобатга олиб, талабгор “KHAN STAR” МЧЖ ташкилотини ғолиб деб белгилаш бўйича таклифни овозга қўйди, таклиф бир овоздан мақулланди.

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. “Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Нурафшон” маҳалла ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектининг атроф муҳитга таъсири (ЗВОС) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш” савдоларида ишни бажариш қиймати 6 700 000 сўм ҚҚС билан, ишни бажариш муддати 15 кунлик тижорат таклифи билан “KHAN STAR” МЧЖ ғолиби деб “LUCKY REBIRTH” МЧЖ ташкилоти захира ғолиби деб топилсин.


2. Талабгор “KHAN STAR” МЧЖ билан ўрнатилган тартибда шартнома расмийлаштирилсин ва ишни бажариш бўйича керакли ҳужжатлар тақдим этилсин.

3. Талабгор “LUCKY REBIRTH” МЧЖ захира ғолиби деб белгилансин.


У.Уктамов




К.Алимов




А.Исломхўжаев



У.Ташпулатов



М.Мухамадалиев



**АТРОФ-МУХИТ КЎРСАТАДИГАН ТАЪСИРИ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТ ЛОЙИХАСИ
ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДАГИ
11-сонли ШАРТНОМА**

20 июн 2022 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиқ У.Уктамов бир томондан ва (<https://etender.uzex.uz> махсус порталининг 2022 йил 20 июндаги 99592/1-сонли баённомасига асосан) «KHAN STAR» МЧЖ (кейинги ўринларда “Бош лойихачи” деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи жамият директори У.Қудратов иккинчи томондан, “Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Нурафшон” маҳалла ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектнинг атроф муҳитга таъсири (ЗВОС) лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш” объекти бўйича (Лот рақами 99592) мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома предмети.

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Нурафшон” маҳалла ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектнинг атроф муҳитга таъсири (ЗВОС) лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш” объектига лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш ва Давлат экспертиза органларида лойиҳа хужжатларини ҳимоя қилиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Бажарувчи” га ишларини бажариш учун зарур нуқсон далолатномасини тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 15 % Қўшилган қиймат солиғи билан 6 700 000 (олти миллион етти юз минг) шу жумладан ҚҚС қиймати 873 913 (саккиз юз етмиш уч минг тўққиз юз ўн уч) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш ҳажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари.

3.1. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, ҳолат тўғрисида уч кунлик муддат ичида “Буюртмачи”ни хабардор қилиш;

3.2. “Буюртмачи”дан махфий маълумотлар олган тақдирда “Бажарувчи” томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва “Буюртмачи”нинг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

3.3. “Буюртмачи” ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган “Бажарувчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Бажарувчи”дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

3.4. “Бажарувчи” ишни сифатли бажариши, ҳужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

3.5. “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи”нинг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вақтда ахборот бериб туриш;

3.6. “Бажарувчи” томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза органларида химоя қилада ва “Буюртмачи”га якуний ижобий экспертиза хулосасини тақдим этади.

3.7. Шартнома талабларига кўра аванс (бўнак пули) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

4. Ишларни бажариш муддати.

4.1. “Бажарувчи” мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс (бўнак пули) тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

4.2. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти, бўнак (аванс) маблағлари тўлаб берилган кундан эътиборан **15 кун** ташкил этади

Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.

5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. “Буюртмачи” “Бажарувчи”га шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдориди, аванс ўтказлади;

5.2. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ ҳажмда амалга оширилади;

5.3. “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 15 кун мобайнида бажармаган тақдирда, “Бажарувчи” бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтда чўзилса, у ҳолда **“Бажарувчи”** ва **“Буюртмачи”** ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

7.2. Молиялаштиришнинг кечикиши “Маҳаллий бюджет ҳамда вазирлик жамғармаси”нинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича **“Буюртмачи”** **“Бажарувчи”**нинг олдида жавобгар бўлмайди.

7.3. **“Бажарувчи”** объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун **“Буюртмачи”**га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги лозим.

“Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун **“Бажарувчи”** буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 % фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш **“Бажарувчи”**ни ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

7.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларла, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

7.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

9. Алоҳида шартлар

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. **“Буюртмачи”** билан **“Бажарувчи”** ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.5. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисоби.

9.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

10. Коррупцияга қарши шартлар

10.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни қафолатлайди:

- қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;

- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;

- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

10.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

10.3. Тарафлар бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш содир этилишига йўл қўймайди. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

11. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

«БАЖАРУВЧИ»

“Кўп хонадонли уйлари мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича илжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали

Тошкент ш., Шевченко кўчаси, 26 уй

ш/х.р.: 301121860262737063201110001

Ўз.Рес.Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010

МБ ХККМ Тошкент ш бош бошқармаси

СТИР (ИНН): 201 122 919 МФО: 00014

ОКЭД: 41202 СТИР 307 930 998

Бошлик

У.Уктамов

Юрисконсулт

Т.Тўхтасинов

«KHAN STAR» МЧЖ

Жиззах в. Ш.Рашидов тумани, Бойгузар-3

Телефон: +998915668882

х/р: 2020 8000 500 814 957 001

Банк: “Hamkorbank” АТБ Жиззах филиали

МФО: 01117

ИНН: 305 143 356



М.У.

С.Юсупова

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома нархи бўйича келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо қўувчилар, “Буюртмачи” томонидан “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиқ У.Уктамов ва “Бош лойиҳачи” томонидан «KHAN STAR» МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи директор С. Юсупова, шартномада лойиҳалаш объекти “Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Нурафшон” маҳалла ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектининг атроф муҳитга таъсири (ЗВОС) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш”, 2022 йил “ 20 ” “ 06 ” 11-сонли шартнома баҳоси 15% ҚҚС билан 6 700 000 (олти миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Бажарувчи

«KHAN STAR» МЧЖ

Директор



С. Юсупова

Буюртмачи

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали

Бошлиқ



У.Уктамов

“ 20 ” “ 06 ” 2022 йилдаги
11-сонли шартномага 2-сонли илова

Объектни номланиши “Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Нурафшон” маҳалла
худудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектнинг атроф муҳитга таъсири
(ЗВОС) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш
КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ

№ т/р	Ишнинг номланиши	Ишнинг муддати (бошланиши ва якулланиши)	Ишнинг нарх қиймати сўм
1.	2	3	4
1.	Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Нурафшон” маҳалла худудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектнинг атроф муҳитга таъсири (ЗВОС) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш	Бошланиши : Буюртмачи томонидан бошлангич тўлов ва дастлабки маълумотлар тақдим этилгандан сўнг. Яқунланиши: 15 кун	6 700 000 (олти миллион етти юз минг)

Жами: 15% ҚҚС билан 6 700 000 (олти миллион етти юз минг) сўм.

Бажарувчи
«KHAN STAR» МЧЖ

Директор



С. Юсупова

Буюртмачи

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК
Тошкент шаҳар худудий филиали

Бошлик



У.Уктамов

СМЕТА ЗАТРАТ

на проведение научно – технических работ по разработке проекта ЗВОС.

№ п/п	Наименование работ	Категория сложности объекта	Коэффициент трудозатрат по категории сложности объекта	Минимальная заработная плата	Количество проведения работ	Стоимость работ в сум.	Обоснование
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Ознакомление с запросом заказчика составление сметной договорной документации	3	1,24	300 000	0,3	111 600	
2	Проведение обследования объекта: 1. Общие данные о проектируемом предприятии. 2. Описание основных особенностей окружающей среды, района размещения предприятия. 2.1. Климат места расположения предприятия. 2.2. Поверхностные воды. 2.3. Подземные воды. 2.4. Почвы и грунты. 2.5. Растительный и животный мир. 2.6. Здоровья населения.	3	15,1	300 000	0,3	1359000	
3	Анализ и оценка реальных и разумных альтернатив развития намеченной деятельности в районах возможных площадок.	3	10,22	300 000	0,3	919800	
4	1. Описание и характеристика основных источников, видов и объектов воздействия на окружающую среду проектируемого предприятия. 1.1 Источники воздействия, как элементы основной и вспомогательной технологии, функционирование которых является причиной изменения окружающей среды. 1.1.1 Источники загрязнения воздуха, масштабы воздействия выбрасываемых в атмосферу веществ, интенсивность и длительность их воздействия. 1.1.2 Источники загрязнения сточных вод, виды воздействия и решения по уменьшению отрицательного влияния на окружающую водную среду. 1.1.3 Проектируемое предприятие как источник образования отходов.	3	16,2	300 000	0,3	1458000	Смета расходов Составлена на основании РД 118.0027714 43-95 Утвержденный постановлением Госкомприродой Республики Узбекистан за № 22-ТК от 19.05.95 г. Проект ЗВОС для объекта 3 категории по степени экологической опасности
5	1. Мероприятия по уменьшению отрицательного воздействия намечаемой деятельности предприятия. 1.1. Мероприятия по охране водных ресурсов. 1.2. Мероприятия по охране окружающей природной среды при сборе, хранении, очистке и обезвреживании отходов. 1.3. Мероприятия по уменьшению вредного воздействия на почвы. и т. д. 2. Последствия реализации проекта	3	20,88	300 000	0,24	1515250	
6	Оформление результатов. Согласование и утверждение проекта в органах Госкомприроды	3	15,1	300 000	0,3	1336350	
Всего:						6 700 000	

Бух.-экономист:

Спец.



Асқаров С